



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 26 ноябрь, № 230 (5397)

Шанба

## ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ВА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН



**Авал хабар қилинганидек, пойтахтимизда “Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: “Соғлом она — соғлом бола” мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Мазкур халқаро анжуманда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси каби нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, қирққа яқин мамлакатдан соғлиқни сақлаш вазирликлари раҳбарлари, тиббиёт соҳасида жаҳонда тан олинган машҳур олимлар, халқаро эксперт ва таҳлилчилар иштирок этади. Мухбирларимиз уларнинг айримлари билан суҳбатлашди.**

**Жужанна ЯКАБ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Европа Минтақавий Бюроси директори:**

— Ўзбекистон — жадал ривожланиб, нуфузи тобора ошиб бораётган навқирон мамлакат. Хусусан, бугун дунёнинг кўплаб давлатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсири яққол сезилаётган бир шароитда юртингиз ижтимоий-иқтисодий соҳаларда юқсак ютуқларга эришмоқда. Айниқса, барқарорлик, тинчлик ва тарққиб ўйғунлашган бундай давлатда бюджет харajatларининг ярмидан зиёди социал сектор тармоқлари, хусусан, соғлиқни сақлаш тизимига йўналтирилган эътирофга лойиқдир.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатингиз мустақилликка эришган илк йилларданок Президент Ислом Каримов савий-ҳаракатлари билан аҳоли фаровонлигини юксалтириш, айтиб чоғда жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга катта эътибор қаратилди. Бу йўлда мустақам ҳуқуқий-

меъёрий асос яратилди, узққни кўзлаб пухта ўйланган стратегия ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Аҳолининг барча қатламларига бирдек замонавий даражада тиббий хизмат кўрсатиш имконини берувчи миллий моделга асос солинди. Бунинг натижасида глобал миқёсда намуна олишга арзигулик кўрсаткичлар кўлга киритилмоқда. Мухтасар айтганда, Ўзбекистонда замонавий ва малакали тиббий хизмат тизими яратилган.

**Роланд ВАУЭР, “Шарите” клиникаси профессори (Германия):** — Юртингизнинг гўзаллиги, халқингизнинг меҳмондўстлиги мени бир зумда ўзига мафтун этди.

Тиббиёт соҳасида узққ йиллардан бери фаолият юритаётганим боис бу борадаги ютуқлар билан мунтазам танишиб бораман. Комил ишонч билан таъкидлашим мумкин: мамлакатингизда замонавий, энг юқсак талабларга жавоб берадиган тиббиёт тизими яратилган. Бу эса аҳоли барча қатламларига бирдек

малакали тиббий ёрдан кўрсатиш имконини бермоқда. Хусусан, Ўзбекистонда “Соғлом она — соғлом бола” дастури умуммиллий ҳаракатга айлангани, унинг муқамал ижроси учун барча шарт-шароит яратиб берилгани таҳсинга лойиқдир. Худудларда

### Интервью

замонавий тиббиёт муассасалари тармоғининг самарали фаолияти бунинг тасдиғи бўла олади.

**Но БО КИМ, “Save the children” халқаро ташкилоти филиали ваколатхонаси бошлиғи (Жанубий Корея):** — Мен Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бораман. Айниқса, тиббиёт соҳасида эришилаётган ютуқларингизни кўриб, тўғриси, ҳайратланаман. Давлатингиз раҳбари ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимини, жумладан, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида туб ислохотлар олиб борилиб, қатор давлат дастур-



лари ҳаётга татбиқ этилаётганини алоҳида таъкидлаш керак. Мамлакатингизда амалга оширилаётган дастурлар юқсак самаралар берганини ўз кўзим билан кўрдим. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида

худудларда замонавий тиббиёт муассасалари тармоғи, шу жумладан, республика ихтисослаштирилган педиатрия, акушерлар ва гинекология илмий-амалий марказлари, перинатал ва скрининг

марказлар, туғуруқхона мажмуалари, худудий кўп тармоқли болалар тиббиёт марказлари ташкил этилгани диққатга сазовордир. Республика ихтисослаштирилган (Давоми 2-бетда).

### 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

Юртимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича кенг кўламли савий-ҳаракатлар амалга ошириб келинмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мустақам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Зеро, унинг 106-моддасида суд ҳокимияти давлат ҳокимиятининг мустақил бўлиши сифатида қонунчилик ва ижро ҳокимияти ҳамда сиёсий партия ва жамоат бирлашмаларидан мустақил равишда фаолият олиб бориши белгилаб қўйилган.

## СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОХОТЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСИ

Асосий Қонунимизнинг 112-моддасига биноан, судлар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсундилар. Судларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашилганга йўл қўйилмайди ва бундай аралашилган қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. Судьялар дахисизлиги қонун билан кафолатланади. Табиийки, бундай ҳуқуқий кафолат судларга бўладиган таъйинларнинг олдини олиш, одил судловнинг ҳолис ва юқори савияда амалга оширилиши ҳамда суд-ҳуқуқ ислохотларининг муваффақиятли кечишига имконият яратмоқда.

Айтиш лозимки, суд-ҳуқуқ ислохотларидан кўзланган мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатини қучайтириш, суд ишларини юритишда процессуал тартибни янада содда-лаштириш, жиноий жазоларни либераллаштириш, одил судлов ҳимоясидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш, миллий қонунчилигимизни дунё андозалари, халқаро ҳуқуқ норма ва принципларига мослаштиришдан иборатдир. Бу савий-ҳаракатлар са-

мараси ўларок, юртимизда суд давлат ҳокимиятининг мустақил тармоғи сифатида тобора ривожланмоқда. Конституцияда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиши ҳам кафолатланган. Хусусан, унинг 44-моддасида ҳар бир шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиши мумкинлиги белгилаб берилган. Умуман, ўтган даврда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида қабул қилинган қонунлар инсон манфаатларини таъминлаш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини ўз вақтида тиклашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётди. Жумладан, 1993 йилда қабул қилинган “Судлар тўғрисида”ги Қонун одил судловни амалга ошириш учун мустақам асос бўлди, суд мустақиллигини таъминлашга замин яратди. 2000 йилда ушбу Қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, судлар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ихтисослаштирилди.

Мажлиса қайд этилганидек, мамлакатимизнинг келгуси йил учун бош молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорлиқни ва ялли ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, рақобатбардор бозор иқтисодиётининг шаклланишига, аҳоли фаровонлиги ҳамда

## МАМЛАКАТИМИЗ «BUSINESS KOREA» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

Жанубий Кореяда нашр қилинадиган “Business Korea” иқтисодий журналининг навбатдаги сонида Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида кўлга киритган муваффақиятлар ҳамда Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари мавзусига бағишланган мақола чоп этилди. Унда корейлик ва ўзбекистонлик таниқли сиёсий ҳамда бизнес доиралари вакилларининг фикр-мулоҳазалари ўз ифодасини топган.

Журнал мамлакатимизнинг иқтисодий зафарлари билан ўз ўқувчиларини атрофлича таништиради экан, Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган, беш асосий таъминловчи асосланган тараққиётнинг “Ўзбек модели”га ижобий баҳо беради. Мақолада танлаб олинган йўлнинг тўғрилиги шарофати билан мамлакатда қисқа давр ичида макроиқтисодий барқарорлиқни, миллий иқтисодиётнинг ички ва ташқи жаҳвалари мувозанатини, унинг изчил ўсишини, дон ва энергетика мустақиллигини таъминлашга эришилгани ҳамда бир вақтингиз ўзида миллий иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш бўйича стратегик режалар оғишмай ҳаётга татбиқ этилгани алоҳида таъкидланади.

“Ўзбекистонда мустақил ривожланиш йиллари мобайнида замонавий технологиялар билан жиҳозланган

ўнлаб янги йирик корхоналар бунёд этилди. Асака шахридаги автомобиль заводи, Шўртан газ-кимё мажмуи, Кўнгирот сода заводи, Деҳқонобод қалий ўғитлари заводи ва бошқа

### Дунё нигоҳи

объектлар шулар жумласига киради”, дея ёзилади журналда.

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мавзусига муножабат қилар экан, нашр ҳозирги пайтда икки мамлакатнинг сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари изчиллик билан ривожланаётганини ва олий даражадаги мунтазам таширлар бунга жиддий туртки бераётганини қайд этади.

Хусусан, икки давлат раҳбарларининг жорий йил августда бўлиб ўтган учрашуви якунлари бўйича иқтисоди-

ёт, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, тўқимачилик ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик тўғрисида 20 дан зиёд битим имзоланди. Улар орасида Орол денгизи яқинидаги Сурғил кинини ўзлаштириш ҳамда газ ва кимё заводи қуриш бўйича қиймати 4,16 миллиард АҚШ долларига тенг лойиҳа ҳам мавжуд. У мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тарихидаги энг катта камровдаги лойиҳа ҳисобланади. “Икки томонлама ҳамкорлик давомида Корея Республикасининг Ўзбекистонга киритган сармоялари умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларидан ошди”, деб ёзилади нашрда.

“Business Korea” журналида “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси доирасидаги лойиҳаларнинг биргалликда ҳаётга татбиқ этилиши Ўзбекистон — Жанубий Корея сармоявий ҳамкорлигининг ёрқин далили сифатида каламга олинган. Жумладан, журнал Навоий шаҳри аэропорти базасида халқаро ташишлари амалга ошираётган “Кореан Эйр” авиакомпаниясининг фаолиятини юқори баҳолайди.

(Давоми 2-бетда).

### Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялли мажлиси олдида

## ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатидан Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, солиқ ва бюджет сиёсатининг йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги Давлат бюджет кўрсаткичлари муҳофазасига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиса қайд этилганидек, мамлакатимизнинг келгуси йил учун бош молиявий ҳужжати макроиқтисодий барқарорлиқни ва ялли ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлашга, рақобатбардор бозор иқтисодиётининг шаклланишига, аҳоли фаровонлиги ҳамда

тувор йўналишлари амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Хусусан, ижтимоий инфра-тузилмани янада тараққиёт этириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини изчил янгилаш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, чет эл инвесторлари учун янада қулай шароитлар яратиш, инфратузилма, транспорт ва коммуникация

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд судьялари ҳамда фуқаролик, жиноят ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар раҳбарлари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Б. Мустафоев бошқарган пленум мажлисида мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизими фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлайдиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантилган алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кафолатланган инсон ҳуқуқларига оид қоида ва талаблар миллий қонунчиликнинг негизини ташкил этиши баробарида уларнинг амалда таъминлиниши учун барча зарур

шарт-шароит яратилгани ўз самарасини бераётди. Мажлисада “Судлар томонидан оталиқни белгилашга оид ишларни кўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”-ги қарор лойиҳаси муҳокама этилди. Мамлакатимизда оилага жамиятнинг муҳим бўлини сифатида қаралади. Зеро, қомил инсон, аввало, оилада камолга етади. Шу боис соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ва шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

(Давоми 2-бетда).

**МАМЛАКАТ бўйлаб**

**Воқеалар, янгиликлар, хабарлар**

**НАМАНГАН. “Намимпекстекстиль” масъулияти чекланган жамиятида йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.**

**Барқарор ўсиш кафолати**

Яъни корхонадаги эски технологияларни янгилаш учун 29 миллиард 650 миллион сўмлик сармоя йўналтирилган. Унинг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилга 3900 тонна калава ип, 8 миллион погонметр газлама тўқуш ва 500 минг дона тайёр кийим-кечак ишлаб чиқариш имконияти юзга келди. Айни чоғда жамиятда 200 дан ортққ киши меҳнат қилаётди. “Намимпекстекстиль” жамоаси тез орада ўз махсулотларини экспорт қилишни мўлжаллапти.

Вилоятда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 128 та корхонада модернизациялаш тадбирлари амалга оширилди. Бу мақсадлар учун 9 миллиард 600 миллион сўмликдан ортққ маблағ сарфланди. Пироваридда 700 дан зиёд иш ўринлари яратилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

**АНДИЖОНДА “UzCLAAS Service” корхонасининг вилоят филиали иш бошлади.**

**Фермерлар мадаққори**

Эндиликда бу ерда водий вилоятларида фаолият юритаётган фермер хўжаликлари тасаруфидидаги қишлоқ хўжалиги техникаларига сервис хизмати кўрсатилади. Шунингдек, буюртма асосида эҳтиёт қисмлари ҳам етказиб берилади.

Маълумки, икки йил муқаддам “Ўз-Клаас-Агро” қўша корхонаси ташкил этилиб, мамлакатимизда дон ўриш қўша корхоналари ҳамда хайдов тракторлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Айни пайтда водий вилоятларида ушбу корхонанинг 400 дан ортққ техникалари фермерларнинг кўмақчисига айланган. “UzCLAAS Service” филиали фаолият кўрсата бошлаши билан эса мазкур техникаларнинг янада юқори унум билан ишлаши таъминланади.

**О. ШОДМОАЛИЕВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

**БУХОРО. Пешку туманида “Олон” сув иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

**Янги сув иншооти**

160 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган ушбу тармоқ ён-атрофдаги Зандани, Дегдавон, Чибакони каби олти қишлоқ аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини берди.

“Олон” — тумандаги саккизинчи сув иншооти. Жорий йилнинг ўтган даврида Пешкуда 11 километрдан зиёд узунликдаги масофага қувур тортилиб, худуд аҳолисига яна бир қулайлик яратилди.

**И. ИБРОҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

**ХОРАЗМ. Янгибозор туманида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринлари яратиш борасида ижобий натижаларга эришилмоқда.**

**Харидорларга манзур**

Хусусан, Бўстон маҳалласида “Шухрат шарбати” хусусий корхонасининг ташкил қилиниши эвазига 20 киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Мева-сабзавотни қайта ишлайдиган ушбу корхона бунёд этиш учун 250 миллион сўм йўналтирилди. Бу ерда дастлабки 50 миллион сўмлик қовун мураббоси, олма қиёми, сабзавот қайласи каби ўнлаб турдаги махсулотлар тайёрланиб, савдо шохобчаларига чиқарилди.

Туманда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 33 та ана шундай кичик бизнес субъекти иш бошлади.

**О. РАҲИМОВ, “Халқ сўзи” мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАМОНАВИЙ ВА МАЛАКАЛИ ТИББИЙ ХИЗМАТ ТИЗИМИ ЯРАТИЛГАН

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт марказида ҳам бўлди. Биз танишган даволаш муассасаларининг барчаси кўркам биноларда жойлашган, замонавий жиҳозлар, малакали мутахассислар билан таъминланган.

Бинобарин, Ўзбекистоннинг тиббиёт соҳасидаги ютуқлари халқро ҳамжамиятда катта қизиқиш уйғотмоқда. Буни Ўзбекистон ўн минг кишилик жамоадан иборат ташкилотимиз томонидан тузилган жаҳон рейтингига болалар саломатлигини мустаҳкамлаш борасида катта гамхўрлик кўрсатилаётган энг илгор етакчи ўн мамлакат қаторига киритилганида ҳам кўриш мумкин. Таъкидлаш жоизки, рейтингни аниқлашда минглаб тадқиқотчилар томонидан 161 мамлакатда сўров ўтказилди.

### Октай ШИРАЛИЕВ, Озарбойжон соғлиқни сақлаш вазири:

— Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизими билан танишув чоғида жабҳада илгор шакл ва услублар амалиётга жорий қилинаётганига гувоҳ бўлдим.

Кузатишларим давомида амин бўлдимки, Президент Илом

Каримов томонидан мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ аҳоли саломатлигини асраб-авайлаш, бунинг учун зарур инфратузилма, моддий-техник база барпо этишга устувор аҳамият қаратилди ва бу кўп ўтмай ўз самараларини кўрсата бошлади. Хусусан, чекка ҳудудларда эскидан қолган, кўп харажат талаб қиладиган тизим ўрнига бирламчи бўғиннинг янги, ихчам ва замонавий тизими — кишлоқ врачлик пунктлари, шунингдек, туман тиббиёт бирлашмалари ташкил этилди. Улар бугун жаҳоннинг энг соғлом турмуш тарзини ривожлантиришнинг ажралмас бўғинига айланган. Айни чоғда, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, турли йўналишларда фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган тиббий марказлар, кадрлар тайёрлаш ҳамда фармацевтика соҳасини ривожлантириш каби йўналишларда салмоқли ютуқлар қўлга киритилди.

**Леонид РОШАЛЬ, Шошилч болалар жароҳлиги ва травматологияси илмий тадқиқот институти директори, профессор (Россия):**  
— Билишимча, кейинги йилларда Ўзбекистонда ижтимоий

соҳа учун бюджет харажатлари 5 баробардан зиёдга ошиб, унинг 60 фоиздан кўпрогини соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалиги, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишга йўналтириш яхши анъанага айланган. Бу жаҳон миқёсида, айниқса, бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитидаги нобў кўрсаткичдир. Бунга фақат хавас қилиш мумкин.

Минг марта эшитилган кўра бир марта кўрган яхши, деганлари тўғри экан. Гап шундаки, Ўзбекистоннинг эришаётган ютуқлари халқро миқёсида бежизга эътироф этилмаётганига юртингизга келиб яна бир бор ишонч ҳосил қилдим. Оналар ва бир ёшгача бўлган гўдаклар ўлими учун баробар қамайгани, энг чекка аҳоли пунктларида яшовчи фуқаролар учун ҳам сифатли ва малакали тиббий ёрдам кўрсатиш имконияти яратилгани бунинг ёрқин далилидир.

Бу борадаги ютуқларни тасдиқловчи яна бир ёрқин мисол: ЮНИСЕФнинг Шаркий Европа, Болтиқбўйи ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари бўйича офиси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги дастурларини жорий этишда Ўзбекистонни минтақадаги намунавий модель сифатида кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш йўналишида ҳаётга татбиқ этилаётган бундай моделдан ўрнак олса, арзийди.

### Эдвард Жеймс О'РУРК, Гарвард университети профессори, Гарвард тиббиёт мактабининг халқро дастурлар бўйича илмий жамиятлар қўмитаси раиси (АҚШ):

— Ўзбекистонга биринчи марта бундан ўн йил олдин келганим. Тўғриси, бу сафар Тошкент янада замонавийлашиб, чирой очибди. Ушбу янгиланишга монанд юртингиз тиббиёти ҳам шунчалик жадал ривожланмоқдаки, уни бир сўз билан ифодалаб бера олмаيمан. Педиатр бўлганим учун келишим биланоқ пойтахтингиздаги педиатрия илмий-амалий маркази фаолияти билан яқиндан танишдим. У ердаги шароит, қўлайликлар юксак даражада. Бу ерда болаларнинг соғ-саломат камол топишлари учун неки зарур бўлса, барча-барчаси муҳайё қилинган.

Пойтахтингизда ўтказиладиган ушбу нуфузли симпозиум халқро тажрибаларни оммалаштириш, йирик мутахассислар билан танишув баробарида, Ўзбекистон ҳақидаги тасавурларимизни янада бойитиши шубҳасиз...

**«Халқ сўзи» мухбирлари Мақсуд ЖОНИХОҲОВ, Саиджон МАХСУМОВ ёзиб олди.**

— Жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг салбий таъсирлари ҳақида ҳануз сақланиб турган бир шароитда аҳолига кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини кучайтириш, бюджетларро муносабатлар тизимини ислоҳ қилиш талаб этилади, — дейди қўмита аъзоси Қ. Эргашев. — Бунда маҳаллий ҳокимият органларининг иқтисодий мустақиллигини кучайтириш ҳамда даромад базасини кенгайтириш, айна чоғда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш манфаатдорлигини ошириш мақсада мувофиқдир.

Сенаторлар 2012 йилга мўлжалланаётган солиқ ва бюджет сиёсати, шунингдек, Давлат бюджетни муҳофаза ва ижтимоий нафақаларни инфляция сурьатларидан ортиқ даражада янада кўпайтириш йўли билан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириб боришига, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтиришга, бюджет муассасалари тузилмаси ҳамда тармогини мақбуллаштиришга қаратилгани кўрсатиб ўтилди.

**Қобил ХИДИРОВ.**

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

тармоқларини янгиланиш кенгайтириш, хусусий мулкнинг ишончли ҳимоясини, тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлаш, кичик бизнес

модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун қўлай шароит яратишга, солиқ тизимини соддалаштиришга, солиқ маъмуричилиги чораларини такомиллаштиришга

Аҳолининг реал даромадларини кўпайтириш мақсадида келгуси йилда жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг энг кам ставкасини янада қамайтириш кўзда тутиляпти. Бу

учун йўналтирилаётган маблағлар Давлат бюджетида 58,6 фоизни ташкил этаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бунда таълимни, соғлиқни сақлаш харажатларини, шунингдек, иш ҳақи, пенсиялар,

# ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

ва хусусий тадбиркорлик раванки учун қўлай бизнес муҳитини яратиш ҳамда аҳоли бандлиги даражасини ошириш бўйича дастурий чора-тадбирларни бажаришни кўзда тутди. Мажлисда қайд этилганидек, бюджет барқарорлигини таъминловчи самарали ва мустаҳкам солиқ тизимини яратиш ҳамда унинг пухта ишлашига эришиш солиқ сиёсати соҳасидаги устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда.

2012 йилда солиқ сиёсати, ўтган йиллардаги каби, хўжалик юртувчи субъектларга ва аҳоли даромадларига солиқ юкни янада пасайтиришга, ишлаб чиқаришни жадал

йўналтирилган. Чунонки, кичик бизнес субъектлари фаолиятининг келгуси йилда ҳам жадал ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида саноат соҳасидаги корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкасини 6 фоиздан 5 фоизгача пасайтириш кўзда тутилмоқда. Бундай имтиёз ишлаб чиқариш билан шуғулланган микрофирма ҳамда кичик корхоналар ихтиёрида 50 млрд. сўмдан ортиқ маблағни тежаб қилишга, айна чоғда уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги технологияларни жорий этиш учун сарфлашга хизмат қилади.

солиқ тўловчиларни ҳар бир гуруҳи учун ундириладиган солиқ ставкалари пасайишини таъминлайди. Бундан ташқари, хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар учун солиқ юкни ўртача икки баробар қамайтириш назарда тутиляпти.

— 2012 йилги Давлат бюджетида ҳам ижтимоий соҳа, чунонки, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун сарф-харажатларни кўпайтириш тамойили сақлаб қолинмоқда, — дейди Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси А. Алтиев. — Хусусан, ижтимоий соҳа

стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни молиялаштиришни кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда, шунингдек, 2012 йилги Давлат бюджет иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақаларни инфляция сурьатларидан ортиқ даражада янада кўпайтириш йўли билан аҳоли даромадлари ва турмуш фаровонлигини юксалтириб боришига, бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга, молиялашнинг бюджетдан ташқари манбаларини кенгайтиришга, бюджет муассасалари тузилмаси ҳамда тармогини мақбуллаштиришга қаратилгани кўрсатиб ўтилди.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги мустаҳкамланган бўлса, 64-моддасида ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур эканликлари, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг вазифасидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитиш таъминлаш, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантириши белгиланган.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ ПЛЕНУМИ

Асосий Қонунимиз ва халқро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида-таълабларига тўлиқ жавоб берадиган Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида қон-қариндошлик, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она ҳамда болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари каби муносабатларни тартибга солишга оид қоидалар мустаҳкамланган. Амалдаги қонунларда нафақат никоҳда тутилган болаларнинг ҳам ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши белгилаб қўйилган. Шу боис мазкур

судлар томонидан бу борадаги қонунлар асосан тўғри қўлланилмоқда. Бироқ бу туркум ишлар бўйича қонунларни бир хилда қўллаш борасида айрим ҳато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Уларни барқарорлик ва назарда тутилган талабларни тўшунтириш мақсадида ушбу қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди. Шунингдек, мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузишга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасига ки-

риш, чиқиш ва давлат чегараларидан ўтиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашдан мақсад — фуқароларнинг кўчиб юриш эркинлиги билан боғлиқ конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишни тартибга солиш ва етарли шарт-шароитлар яратишдан иборат. Эеро, бу борада қонун ҳужжатларига қатъий амал қилиш — Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини кесиб ўтиш тартибини бузиш билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга.

Олий суд пленуми томонидан кўриб чиқилган қарорлар лойиҳаларни мазмун-моҳияти билан қонунларни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида судларга раҳбарий кўрсатмалар бериш, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Пленумда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Мажлисда Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори Р. Қодиров иштирок этди.

**Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири.**

# ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР ШАРОФАТИ

**Бухоро тумани марказида жойлашган «Ай Юлдуз Брейд» шўъба корхонасининг иш бошлаганига эндигина бир йил бўлди. Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган ушбу замонавий новвойхона ўтган қисқа давр оралиғида нафақат Галаосиё шаҳарчаси, балки вилоятнинг энг чекка ҳудудларида яшовчи харидорлар ишончини ҳам қозонишга улгурди.**

### Интилиш

— Менга бу новвойхона лаззатли, хуштам нонлари, тоза-озодалиги, қолаверса, биносининг ўзига хос дизайни билан маъзул, — дейди ўзини Нигора Сафарова дея таништирган харидорлардан бири. — Корхона қошидаги мини-маркетдан исталган турдаги нон ва ширинликларни сотиб олиш мумкин. Дарҳақиқат, бу ерда корхонанинг юз миллион сўмдан зиёд маблағи эвазига Шарк ва Фарб мейморчилиги анъаналарини ўзида мужассам этган кўркам биноси қад ростлаган. Корхонага қарашли дўконлар пештахталаридан иссиқ нон узилмайди. Бугун бу ерда хориж-



дан харид қилинган замонавий печлар ёрдамида кунига уч тоннагача маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Мазкур печлар эски русумдаги технологияларга нисбатан электр энергиясини икки баравар кам сарфлаши билан аҳамиятлидир. «Ай Юлдуз Брейд»да айна пайтда 15 киши иш билан банд. Уларнинг барчаси — ёшлар. Ораларида коллежда таҳсил олиб, ўқи-ўрганларини ама-

лиёт билан уйғунлаштириётганлари ҳам бор. — Машғулотлардан сўнг шу ерда ишлаб, тажриба ва маҳоратини ошираман, — дейди ана шундай ёшлардан бири Феруза Нарзиева. — Нон ва пишириқларимизнинг бозори чаққон. Уларни вилоятимизнинг энг чекка туманларига ҳам жўнатаймиз. Дарвоқе, корхона тадбиркорлари фаолият камровини кенгайтириш тарадудиди. Шу мақсадда яқин-

да яна бир замонавий, тежамкор технология харид қилинди. Ҳам электр энергияси, ҳам табиий газ билан ишлайдиган бу печ ёрдамида маҳсулот пелмоғи ва турлари кўпайибгина қолмай, яна бешта қўшимча иш ўрни ҳам юзага келади. **Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.** **СУРАТДА:** корхона фаолиятидан лавҳа. **Шомурод ШАРАПОВ олган сурат.**

## МАМЛАКАТИМИЗ «BUSINESS KOREA» ЖУРНАЛИ САҲИФАЛАРИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«Корейн Эйр» компанияси ўтган давр ичида инфратузилма ривожлантириш учун барча зарур ишларни амалга оширди — барпо этилган юк терминали, ангарлар, ёқилги сақлаш биноси ва бошқалар шулар жумласига кирди. Ҳафтасига Сеул, Милан, Брюссель, Франкфурт, Бангкок, Мумбай, Истамбул, Дубай сингари шаҳарларга амалга оширилаётган 24 қатновга қўшимча равишда бугунги кунда Ханой, Рига, Шанхай ва бошқа йўналишлар бўйлаб юк ташиларини бошлаш ҳам режалаштирилмоқда. Шунингдек, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси Жанубий Корейнинг «Kogas» ва «Kolon» компаниялари билан автомобиль газ баллонларини ишлаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасида автомобилларни газ ёқилгиси билан тўлдириш компрессор станциялари (АГНКС) тармоқларини қуриш юзасидан биргаликда иш олиб бормоқда», дея ёзилади «Business Korea» журналида.

**«Жаҳон» АА.**

## Қисқа сатрларда

- Бухоро шаҳрида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази томонидан «Биз соғлом турмуш тарafdоримиз, биз билан бирга бўл!» широри остида ёшлар акцияси ўтказилди. Беш минг нафардан зиёд йигит-қиз иштирок этган қатмар тадбир доирасида турли учрашувлар, спорт мусобақалари ҳамда концерт дастури ташкил қилинди.
- Янгиерлик Маҳмуд Шеркулов ўзи раҳбарлик қилаётган «Улғубек — Янгиер — Курилий» масъулияти чекланган жамиятида банкнинг 150 миллион сўмлик кредити эвазига асфальт ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган замонавий технология линиясини ишга туширди. Ҳозир ушбу корхонада соатига 30 тонна қуриш хом ашёсини тайёрлаб, йўлсозларга етказиб берилмоқда.
- Нукусда Зулфия номидаги Давлат муқофоти учун ўтказиладиган танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси босқичи бўлиб ўтди. Унда ижодий беллашувнинг шаҳар ва туман босқичларида сараланган 122 нафар қиз маданият, санъат, адабиёт ва фан йўналишларида ўзаро баҳслашди. Яқинда голиблар аниқланиб, уларга танловнинг республика босқичига йўналиш берилди.
- Шеробод туманидаги «Шеробод Агро Сервис» масъулияти чекланган жамияти аъзолари 330 миллион сўм эвазига аҳолига сервис хизмати кўрсатишни йўлга қўйди. Ҳозир корхона жамоаси тумандаги фермер хўжалиқлари ихтиёридаги мавжуд техникаларни таъмирлаш ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш сингари юмушларни сифатли бажармоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

24 соат ичида

**ЖАҲОН**  
АҚШнинг Жанубий Каролина штатида юз берган кучли тўфон оқибатида тўрт нафар одам ҳаётдан кўз юмиб, бир киши тан жароҳати олган.

Совуқ оқим офати

Шунингдек, Луизиана штатида ҳам қунон кўтарилиб, ўнлаб кишиларга шикаст етган. Кўплаб тураржой бинолари зарарланган, электр таъминоти издан чиққан. Метеорологларнинг билидиршича, табиий офат Мексика кўрфазидан кибит келган совуқ оқим туфайли юз берган.

Дастёр робот

Япониянинг «Fuji Heavy Industries» ва «Sumitomo» компаниялари ҳамкорликда офисларни тозаловчи робот яратди. Эътиборли жиҳати, «темир одам» иш бошлашдан олдин хонада кимдир бўлса, «илтимос, офисни бўшатиб, мен йиғиштиришим керак», дея мурожаат ҳам қила олади. Мабодо унинг буйруғига эътиборсиз қаралса, робот 16 сония ичида ўша одамни бир четга суриб қўйиб, юмушларни бажаришга киришаркан.

Кўёшга парвоз — ҳақиқатга яқин

Европа космик агентлиги 2017 йилда махсус зондни Кўёшга учирини режалаштирмакда.

Бундан кўзланган мақсад ушбу улкан юлдузнинг сирли жиҳатларини ўрганишдан иборат. Янги яратилган қурилманинг Кўёшга жуда яқин бора олиши бунда қўл келиши мумкин.

— Бу катта шов-шувларга сабаб бўладиган воқеадир, — дейди Европа фазо агентлиги илмий ходими Альваро Хименес. — Мухими, ушбу парвоз келажакда фазогирларни ҳам Кўёшга учиршига йўл очса ажабмас.

Илмоқнинг ёши «чулғи»

Австралия миллий университетининг Сюзан О'Коннор бошчилигидаги бир гуруҳ олимлари иккита қадимий балиқ тутиш илмоғини топди.

Топилмалар Шарқий Тимордаги горлардан бирида аниқланган. Қадимшунларнинг фикрича, моллюска чиганогидан ясалган ушбу илмоқлардан бирининг ёши 11 минг, иккинчисиники эса 23 минг йилга тенг. Шу боис олимлар иккинчи балиқ тутиш қурилиши ҳозиргача топилганлари ичида энг қадимийси, деб ҳисобламакдалар. Чунки бунгача Европа ҳудудидан топилган энг ёши «чулғу» илмоқ 20 минг йиллик тарихга эга эди.

Жазога тортилиши мумкин

Камерун футбол федерацияси (КФФ) миллий терма жамоа сардори Самуэль Это'Они интизом қўпитасига чақирди.

Бунга камерунлик футболчилар Жазоир термасига қарши майдонга тушишдан бош тортгани сабаб бўлди.

Манбада қайд этилишича, КФФ спортчиларга Марокаш термаси устидан галаба қозонсалар мукофот беришни ваъда қилган. Аммо ўша пуллар айтилган муддатдан анча кеч тарқатилган. Бунинг натижасида футболчилар Жазоирга қарши ўйнамасликларини билдирганлар. Натихада мазкур учрашув бекор қилинди. Федерация мутасаддилари вазиятнинг шу даражага етиб боришида жамоа сардорининг таъсири катта бўлган, деб ҳисобламакдалар.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Яқинда Франциянинг Колмар шаҳри Кўргазмалар марказида 27-Халқаро сайёҳлик кўргазмаси бўлиб ўтди. «Халқаро сайёҳлик ва саёҳат салони» номи остида ўтган мазкур анжуманда уч кун давомида дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатидан келган турли миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхоналар вақиллари ва туроператорлар ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини намойиш этдилар.

ЮРТИМИЗ САЛОҲИЯТИ ФРАНЦИЯДАГИ КОЛМАР САЙЁҲЛИК КЎРГАЗМАСИДА

Таъкидлаш жоизки, мазкур кўргазма «Top Resa», «Mondial du Tourisme» халқаро сайёҳлик анжуманлари сингари Франциядаги энг йирик халқаро кўргазмалар сирасига қиради.

Колмар сайёҳлик кўргазмасида Ўзбекистон Республикаси сайёҳлик салоҳияти Франциянинг «Formitours» сайёҳлик компанияси билан ҳамкорликда намойиш этилди. Миллий услубдаги ранг-ранг ўзбек газламалари билан безатилган Ўзбекистон экспозициясидан ўзбек халқ амалии санъатининг турли-туман, ўзига хос ва бетакрор намуналари жой олди.

Халқаро сайёҳлик кўргазмаси давомида Ўзбекистон сайёҳлик салоҳияти бўйича конференция ҳам бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг тарихий ва меъморий ёдгорликлари, хорижлик сайёҳларга таклиф этиладиган анъанавий ва бошқа сайёҳлик йўналишлари, мазкур кўргазма меҳмонларининг ҳам эътиборини тортган ўзбек миллий ошонасининг ўзига хосликлари ушбу тadbир чоғидаги мулоқотларнинг асосий мавзуи бўлди.

Мамлакатимизнинг Франциядаги дипломатия ваколтонхонаси томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлидаги чорраҳа» номили тақдирот ҳам кўргазма меҳмонларида алоҳида қизиқиш уйғотди. Унда Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йилла-

ри давомида сайёҳлик соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратгани, хусусан, сайёҳликнинг янги йўналишлари шаклланиши, замонавий меҳмонхоналар бунёд этилгани, жуда кўплаб тарихий ёдгорликлар ҳамда муқаддас зиёратгоҳлар таъмирлангани ва ободонлаштирилгани алоҳида таъкидланди.

Биз ва жаҳон

Маълумки, Ўзбекистоннинг жуғрофий жиҳатдан қулай жойлашуви, ноёб табиий масканлар ва уларнинг ранг-баранглиги, бой маданий-тарихий мерос, замонавий транспорт-коммуникация инфратузилмаси сингари муҳим омиллар мамлакатимиз сайёҳлик индустриясини халқаро миқёсда қўллаш учун катта салоҳият мавжуддир.

Конференция доирасида Франциянинг «France 3» жамоатчилик телеканали кино ижодкорлари томонидан суратга олинган «Ўзбекистоннинг бебаҳо хазинаси» номли ҳужжатли фильм иштирақчилар эътиборига ҳавола қилинди.

«Les Voyages Lesage» сайёҳлик компанияси эксперти Реми Шмидт ҳамда Франциялик саёҳатшунос Эзувчи, «Шарқий макон. Урта Осиё йўллари бўйлаб аякка саёҳат» асарининг муаллифи Алис План ўз қишларида ўзбек халқи бой

маънавий меросга, маданий хилмахиллик ва ноёб меҳмондўстликка эга эканлигини ҳамда Ўзбекистонда бағрикенглик муҳити, динлараро ва миллатлараро ҳамжиҳатлик, тинчлик ва барқарорлик ҳукмронлигини алоҳида таъкидлашар экан, бу омиллар жаҳоннинг турли бурчакларидан юз минглаб сайёҳларни ўзига жалб этаётгани билдирдилар.

«Жаҳон» ахборот агентлиги мубори билан бўлиб ўтган сўхбат чоғида кўргазманинг айрим ташкилотчи ва иштироқчилари сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришнинг истикболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашдилар. Жумладан, «Formitours» сайёҳлик компаниясининг бош директори Жан-Поль Тует мазкур кўргазмада мамлакатимиз вақиллари билан биргаликда Ўзбекистоннинг бой сайёҳлик салоҳиятини намойиш этиш ўз компаниясини унча катта шараф эканлигини маълум қилди.

— Колмар кўргазмаси нафақат Франциядан, балки унга қўшни мамлакатлар — Германия, Швейцария, Бельгия, Люксембург ва Италиядан ҳам минг-миглаб саёҳатчиларни ўзига жалб этиб келади, — дейди у. — Ўтган йили мен сайёҳлар гуруҳи таркибида Ўзбекистонга бориш бахтига муяссар бўлдим. Ушбу

сафар ҳаммага ёқди, биз олам-олам таассуротлар билан қайтдик. Шу боисдан ҳам компаниямиз мазкур кўргазмада Ўзбекистоннинг сайёҳлик имкониятларини алоҳида намойиш этишга қарор қилди. Бугунги кунда

франциялик ҳамда қўшни мамлакатлардаги ўз мижозларимизга таклиф этаётган унлаб сайёҳлик йўналишларимиз орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Халқаро кўргазма бош менежери Кристоф Крупи тadbир ташкилотчилари номидан Ўзбекистонни Колмар халқаро кўргазмасида қатнашаётгани билан қизгин қутлади.

— Шу ўринда кўргазма-миз меҳмонлари Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган конференция ва тақдиротларга катта қизиқиш билан қарашганини алоҳида таъкидлашни истар эдим, — деди у. — Ўзбекистоннинг юксак дид билан безатилган экспозицияси мамлакатингизга жуда кўплаб сайёҳлар диққатини жалб этганига заррача шубҳа қилмайман. Бу ердаги айрим сайёҳлар учун Ўзбекистон йўналиши янги ва айна пайтда истикболли бўлади, деб ўйлайман. Ушбу кўргазмадан сўнг Самарқанд, Бухоро ҳамда Хива сингари тарихий ва маҳобатли шаҳарларни ўз кўзи билан куришни истайдиган сайёҳлар сони янада кўпайишига ҳам ишончим қомил. Умид қиламизки, «Халқаро сайёҳлик ва саёҳат салони» халқаро кўргазмасида Ўзбекистон иштироки анъанага айланиб қолади.

«Жаҳон» АА. Париж

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори асосида

«Kochmas mulk savdo xizmati» МЧЖ

ва унинг ҳудудий филиалларининг танлов савдоларига чиқарилган ер майдонларига бўлган доимий фойдаланиш ва узок муддатли ижарага олиш ҳуқуқларининг 2011 йил 25 октябрдан 4 ноябргача бўлган муддатдаги танлов савдоси натижалари

T/p	Объектнинг номи	Жойлашган жойи	Ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг минимал қиймати (сумда)	Танлов голибининг тақлифи (сумда)
<b>ДАВЛАТ ОБЪЕКТЛАРИ</b>				
<b>СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>				
<b>2011 йил 25 октябрда</b>				
1.	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ва савдо дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Гулистон тумани, Деҳқонобод шаҳарчаси	41 265,0	41 265,0
<b>ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ</b>				
<b>2011 йил 1 ноябрда</b>				
1.	Автосервис биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Шахрисабз шаҳри, «Шаматон» ҚФЙ	632 000,0	632 000,0
2.	Маиший хизмат уйи қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Шахрисабз шаҳри, «Камолот» МФЙ	804 200,0	804 200,0
3.	Гўзаллик салони биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Шахрисабз шаҳри, «Камолот» МФЙ	699 900,0	699 900,0
4.	Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Шахрисабз шаҳри, «Қушхона» МФЙ	843 200,0	843 200,0
<b>2011 йил 4 ноябрда</b>				
5.	Компьютер маркази биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Фузор шаҳри, Пахтазор маҳалласи	383 000,0	383 000,0
6.	Озёқ-овқат моллари дўкони ва ошхона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Фузор шаҳри, Пахтазор маҳалласи	383 000,0	383 000,0
<b>ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ</b>				
<b>2011 йил 1 ноябрда</b>				
1.	Дорихона биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Қўшқўл тумани, Шихмашхад қишлоғи	27 268,0	200 000,0
2.	Маиший хизмат шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Қўшқўл тумани, Кенагаз қишлоғи	90 893,0	150 000,0
3.	Техника асбобларини таъмирлаш устанонаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Қўшқўл тумани, Кенагаз қишлоғи	83 318,0	1 500 000,0
4.	Техника асбобларини таъмирлаш устанонаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Қўшқўл тумани, Кенагаз қишлоғи	75 744,0	1 500 000,0
5.	Дурадгорлик устанонаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси	40 902,0	200 000,0
6.	Сауна ва кимёвий тозалаш шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси	40 902,0	200 000,0
7.	Аралаш моллар дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси	40 902,0	160 000,0
8.	Автомобилларнинг эҳтиёт қисмларини сотиш дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси	34 085,0	200 000,0
9.	Озёқ-овқат дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Бойқозоқ шаҳарчаси	27 268,0	220 000,0
10.	Умумий овқатланиш шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Нурафшон шаҳарчаси	45 446,0	250 000,0
11.	Новвойхона ва қандолат шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Нурафшон шаҳарчаси	45 446,0	350 000,0
12.	Мебель ишлаб чиқариш цехи биноси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Деҳқонбозор қишлоғи	80 792,0	250 000,0
13.	Озёқ-овқат дўкони қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Богот тумани, Кулнокороб қишлоғи	30 297,0	180 000,0
<b>2011 йил 4 ноябрда</b>				
14.	Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Чикирчи қишлоғи	87 108,0	460 000,0
15.	Савдо шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Янгиариқ шаҳарчаси	46 458,0	100 000,0
16.	18-сонли савдо шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Остона қишлоғи	58 072,0	200 000,0
17.	19-сонли савдо шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Остона қишлоғи	58 072,0	150 000,0
18.	20-сонли савдо шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Остона қишлоғи	58 072,0	150 000,0
19.	24-сонли маиший хизмат шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Остона қишлоғи	58 072,0	140 000,0
20.	25-сонли маиший хизмат шохобчаси қуриш учун ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи	Янгиариқ тумани, Остона қишлоғи	58 072,0	140 000,0

ЗАВОД ТТЕМЗ ИЗГОТАВЛИВАЕТ И РЕАЛИЗУЕТ:

**АВТОКРАНЫ**  
для производства монтажных и погрузочно-разгрузочных работ с обычными грузами на рассредоточенных объектах

**КС-3577 НА БАЗЕ ШАССИ МАЗ**  
■ максимальная грузоподъемность — 14 т.  
■ максимальная высота подъема — 14,5 м.

**КС-4574-1 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
■ максимальная грузоподъемность — 16 т.  
■ максимальная высота подъема — 25 м (с гуськом).

**КС-55724 НА БАЗЕ ШАССИ КАМАЗ**  
■ максимальная грузоподъемность — 25 т.  
■ максимальная высота подъема — 30 м (с гуськом).

ВОЗМОЖЕН МОНТАЖ НА ШАССИ ЗАКАЗЧИКА

**КРАН БАШЕННЫЙ КБ-403А**  
предназначен для строительного-монтажных работ при возведении жилых и гражданских сборных сооружений и строительстве многоэтажных зданий

Товар сертифицирован

**Теперь вся продукция ИВЛИЗИНГ**

■ максимальная грузоподъемность — 8 т.  
■ максимальная длина стрелы — 30 м (с кареткой).  
■ максимальная высота подъема горизонтально — 41,5 м, наклонно — 57,5 м.

**КРАНОМАНИПУЛЯТОРЫ И АВТОВЫШКИ**  
на шасси: ISUZU, КАМАЗ, МАЗ и др.

МОДЕЛЬ	высота подъема люльки	ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬ
KRANTAS - 335	15 м	3,2 т
KRANTAS - 736	21,5 м	6 т

Товар сертифицирован

**АВТОЦИСТЕРНЫ И АВТОПЛИВО-ЗАПРАВЩИКИ**  
Объемом 8м<sup>3</sup> и 12м<sup>3</sup> на шасси MAN, КАМАЗ, МАЗ.

Под заказ

Тел.: 269-15-33, 262-63-45, 187-52-05. Факс: 262-23-61, 269-39-66.  
E-mail: toemz1@sarkor.uz www.ttemz-kran.uz

**«KOCHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Сирдарё минтақавий филиали**  
бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибиди ўтказилмайдиган оқиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2011 йил 27 декабрь куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри «Бизнес маркази» биносининг мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси Сирдарё тумани суд ижрочилари бўлимлари томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 24 майдаги 112-01011/2311(27.1)-сонли ижро варақасига асосан, қарздор «Сирдарё тумани ИХТПФ» корхонасидан қарзни ундириш эвазига хатланган, Сирдарё тумани, Сирдарё шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 210-уйда жойлашган, умумий қурилиш майдони 393,75 кв.м. бўлган 0006-литердаги ёрдамчи бино савдога қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 177 874 756 сум.**  
Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлардан ариза иш қунари соат 9.00 дан 18.00 гача қабул қилинади.

Мазкур савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузилмадан закалат келишувига асосан, объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «Kochmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё минтақавий филиали ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20 208 000 904 920 609 006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефонлари: (8-3677) 226-28-93, 226-38-91.  
Лицензия: RR-0001.

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
**ЭЪЛОНЛАР**  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15,**  
**236-09-25.**  
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги суд-тиббий экспертиза бош бюроси жамоаси Қаққадарё вилояти суд-тиббий экспертиза бюросининг собиқ бошлиғи **Ибодилла НОРБОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎзР ФА Математика ва информатсион технологиялар институти жамоаси етакчи илмий ходим, физика-математика фанлари доктори **Давлатили МУСАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари инглиз филологияси факультети лексика кафедраси катта ўқитувчиси **Нафиса ХАДЖАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодий университетини ректорати ва Бирлашган қасба уюшма қўмитаси Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси доценти Саидхадмад Ишанходжаевга волидаи муҳтарамаси **Мавлуда ИШАНХОДЖАЕВНИНГ** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

